

Юридик шахслар ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган хусусий тадбиркорларга телефон алоқаси  
хизматларини кўрсатиш бўйича

ШАРТНОМА № 13

Янги Миришкор, ш.

2022 йил « 10 » январь.

«Ўзбектелеком» АКнинг Кашиқадарё филиали номидан бундан бўён  
**Оператор** деб аталувчи,  
«Ўзбектелеком» АК Кашиқадарё филиали  
(операторнинг номланиши)  
Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация  
технологиялари давлат кўмитаси  
(лицензия берган ташкилотнинг номи)  
томонидан берилган лицензия ва низом асосида фаолият кўрсатувчи  
Миришкор ТКБ Бошлиги Н.И.Муртозов

(раҳбарнинг мансаби, исм-фамилияси)

тимсолида бир томондан,

Юридик шахс.
Бюджетдан маблаг оловчи ташкилот номи: <i>Миришкор туман ирригация булими</i>
Манзили <i>Янги Миришкор шахарчаси</i>
Миришкор ТИБ бошлиғи: <i>A. Tursunov</i>

бундан кейин «Абонент» деб номланувчи иккинчи томондан қўйидаги шартномани шу хақда туздилар:

**I.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

Оператор телефон алоқасининг универсал (асосий) ва қўшимча хизматларини  
кўрсатиш, Абонент эса мазкур хизматлардан фойдаланиш, хамда хизматлар учун  
ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

- 1.1. Абонент тоифаси - бюджет
- 1.2. Абонент 2022 йилда бюджетдан маблаг оловчи ташкилотига курсатилган алоқа  
хизматлари учун қўйидаги график асосида ҳақ тушни уз зиласига олади  
Жумладан:

(сумда  
)

Йил	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак	Жами бир йилда
2022 Бюджетдан	300000	-	-	-	300000
Жами:	300000	-	-	-	300000

**Жами 2022 йил учун: 300000 ( Уч юз минг ) сум**

1.3. Бюджет ташкилотининг йил давомида смета харажатларига киритиладиган узгаришлар доирасида хизмат курсатувчи, хизмат олувчи ва хизмат хакини туловчилар томонидан узаро келишилган холда шартнома суммасига узгаришишлар киритишга хаклидирлар.

## 2. ОПЕРАТОРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 2.1. Операторнинг мажбуриятлари:

- 2.1.1. Белгиланган сифат даражасида телефон алоқаси хизматларини ўз вактида кўрсатиш.
- 2.1.2. Оммавий ахборот воситаларида, Интернет, аҳоли гавжум жойларда, эълонлар берини ёрдамида корхона фаолияти, янги АТС ларни ишга тушириш, янги хизмат турлари, телекоммуникация хизматлари учун белгиланган тарифларнинг узгариши ва бу хизматларни кўрсатиш тартиблари хакида хабар берини.
- 2.1.3. Универсал хизматларга тарифлар ўзгарганинги камидаги 15 кун олдин оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш.
- 2.1.4. Абонентнинг айбисиз телефон алоқаси бузилганда абонент томонидан таъмирлаш бюросига талабнома тушган вактдан бошлаб абонент ускунаси ишламаган кунлар учун абонент тўловларини кайта хисоблаб чиқиши. Кайта хисоб-китоблар маълумот рўйхатга олинган кундан ётиборан соат 00.00дан бошлаб тўлик суткалар учун амалга оширилади. Техник сабабларга кўра бу абонент ракамининг узгаришини камидаги 10 кун олдин абонентга ёзма равишида маълум қилиш. Ўрнатилган тартибда маҳаллий телефон сўзлашувлари тўғрисидаги маълумот-расшифровка (детализация)ни кўшимча тўлов эвазига Абонентга берини.
- 2.1.5. Абонент томонидан сотиб олинган телематик хизматлар (телефакс, телекс, ведеотекс ва хоказолар)нинг охириги ускуналарни шартномага кўшимча киритган холда (8-бўлимга биноан) рўйхатдан ўтказини.
- 2.1.6. Оператор, шунингдек, «Умумий фойдаланишдаги тармоқларида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари»да белгилаб берилган бошка бир катор мажбуриятларга ҳам эга (бундан кейин матнда «Қоидалар»).
- 2.1.7. Оператор курсатилган хизматлар хисоб-варак фактураларини ҳар ойда бюджет ташкилотига тақдим этиб бориши мажбуриятини олади.

### 2.2. Операторнинг хуқуқлари:

- 2.2.1. Янги телефон станциялари ишга тушиши ва телефон тармоқлари реконструкция қилинини муносабати билан амалдаги «Қоидалар»га мувофик Абонентнинг ружсатисиз, аммо унга ўз вактида хабар берган холда, телефон ракамини бепул ўзгаририб қўйиш.
- 2.2.2. Оператор абонент линияларига тегишли сертификати бўлмаган ускуналар (телефон аннаратлари, телематик хизмат ускуналари, ахборот узатгичлар, радиотелефонлар, радиоузатгирлар, ПК, АОН ва бошқалар)ни ўчиритишини операторнинг техник комиссияси томонидан далолатнома тузилгандан сўнг Абонентдан талаб қилиш.
- 2.2.3. Куйидаги ҳолларда абонент ускунасини телефон тармоғига уланишини тўхтатиш:
  - маҳаллий, шаҳарлараро ва ҳалкаро телефон алоқаси учун 4.6., 4.6.1.-бандларга асосан алоқа хизматлари тўловлари тўланмаганида (бунда телефон алоқасини узиш хакида абонент камидаги 3 кун олдин телефони билан огохлантирилиши зарур);
    - абонент томонидан охириги курилмаларни ишлатиш қоидалари бузилганда ва бунинг натижасида оператор коммутацион ускуналарининг нормал ишлашига халақит берган ҳолларда;
  - 3.1.7.-банд бузилганда, оператор техник комиссиясининг далолатномаси тузилиб, бузилишлар бартараф этилгунга кадар.
- Шартномани кайта тиклаш ва охириги курилмаларни улаш белгиланган тартибда, камчиликлар тузагиб бўлинганидан сўнг ва Абонент томонидан маҳаллий, шаҳарлараро, ҳалкаро телефон алоқасининг телекоммуникациялар хизматлари учун ҳақ тўлангандан кейин амалга оширилади (алоқа хизматларидан фойдаланиш тўхтатиб кўйилган муддат ҳам киради).
- 2.2.4. Агар Абонент хисоб-китоб давридан кейин 2 ой давомида телефон алоқаси хизматлари учун тўловини амалга оширмаса ёки 3.1.7.-бандларни бузишга йўл қўйса, ушбу шартнома бир томонлама бекор килинади.
- 2.2.5. Оператор «Қоидалар»да белгилаб берилган бошка бир катор хуқуқларга ҳам эга.

## 3. АБОНЕНТНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. Ҳар чоракда камидаги 1 марта Оператор билан ўзаро хисоб-китобларни аннекташ максадидага солинтириши далолатномаси тузиш.
- 3.2. Оператор хисобидаги ёки у томонидан таъмирланадиган Абонент фойдаланишларига уй телефон симлари ва бошка ускуналарни ишга яроқли ҳолатда саклаш. Абонентга тегишли бўлган ёки Абонент томонидан ижарага олинган телекоммуникация воситаларининг техник меъёrlарга мувофик бўлшинини таъминлаш.
- 3.3. Алоқа бузилишлари хакида телекоммуникация боғламасининг таъмирлани бюросига ўз вактида хабар бериши.
- 3.4. Корхонанинг номи, реквизитлари ўзгарганда, хонани ижарага бериш бўйича, бир ой муддати ичида ёзма равишида, санасини кўрсатган холда Операторга хабар килиш ва амалдаги тарифлар бўйича тўловлар эвазига шарномани кайта расмийлаштириш ёки уни бекор килиши. Ижарага муддати туганини билан ёки ижарага бериши бўйича шартнома бекор килинадиган бўлса, телефон алоқаси хизматини кўреагани бўйича тузилган шартнома ижарага олувчидан ижарага берувчи бепул кайта расмийлаштирилиши мумкин. Ижарага берувчи ижарага шартномасини бекор кила туриб, ижарага олувчининг Оператор олдидағи карзларини узишини назорат киласи ва қарзлар мавжуд бўлган тақдирда белгиланган тартибда жавобгар бўлиб хисобланади.

3.5. Абонентнинг алоқа «Қоидалар»ини кай даражада бажараётганини ёки абонент буюртмасига асосан таъмирлаш учун келган Оператор ходимиини (агар у расми ёпиширилган, корхона мухри босилган, амал қилиш муддати кўрсатилган гувоҳномага эга бўлса) бинога киринга рухсат этиши. Бунда Оператор ходимида бажариладиган ишлар наряди ҳам бўлиши зарур.

3.6. Абонент ускунасидан пуллик хизмат кўрсатиш учун таксофон сифатида, Интернетга кириш ва хоказо мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Оператор томонидан ажратилган телефон ракамларидан телекоммуникация хизматларини кўрсатиш «Қоид»га белгиланган тартибда амалга оширилади. Ушбу банд бузилган тақдирда Оператор Абонентнинг телекоммуникация тармоғига киришини оператор техник комиссияси томонидан далолатнома тузилиб, камчилклар бартараф этилгунга қадар тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Абонент томонидан мазкур ҳолатлар тақорланганда шартнома бир томонлама бекор қилилади.

3.7. Факат сертификатланган телефон аппаратлари ва бошқа ускуналардан абонент ускунаси сифатида фойдаланиш. Мувоғиқлик сертификати бўлмаган, телефон ракамини автоматик аниқлаш ускунаси(АОН)дан фойдаланмаслик.

3.8. Абонент телефонларидан ва бошқа охирги курилмаларидан амалга оширилган маҳаллий, шахарларо, ҳалкаро телефон сўзлашувлари учун тўловларни тўлик 4.3 – бандга асосан амалга ошириш.

3.9. Абонентлик курилмасини ўзбошимчалик билан ўрнатиш ва параллел телефон аппаратлари ёки бошқа радио алоқаси, телематик хизматлар ва ахборот узатгичларига улаш таъкидланади. Бу курилмаларни улаш операторга маълум килиниб, мувоғиқлик сертификатига эга бўлгач амалга оширилади. Агар, Абонент томонидан ўзбошимчалик билан абонент линиясига уланган курилманинг уланиш вактини аниқлаш имконияти бўлмаса, абонент тўлови жорий йилнинг бошидан ҳисоблаб ундирилади.

Радиотелефонлар ва бошқа радиоэлектрон воситалар (10 мВт кувватли симсиз телефонлар бундан мустасно) абонент курилмаси сифатида уланган тақдирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириши Агентлиги ёки унинг ваколатли органидан бу курилмалардан фойдаланишга рухсатнома олиниши зарур.

3.10. Телекоммуникация тармоқлари иш сифатини пасаайтиришга ёки уларни шикастланишга каратилган ҳатти-харакатларга йўл қўйилмаслиги зарур.

3.11. Абонент «Қоидалар»да белгилаб берилган бошқа бир катор мажбуриятларга ҳам эга.

3.12. Абонент курсатилган хизматлар ҳаккини тулаш учун «Тұловчига» ҳар ойда ҳисоб-варак фактуралар нусхасини етказиб боради.

3.13. Абонент факатгина ҳаражатлар сметасида алоқа хизматлари учун 2022 йилда ажратилган маблаглар доирасида шартноманинг 1.2 бандида курсатилган (бюджет ҳисобидан) түловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

3.14. Абонент томонидан бюджетдан маблаг олувчига кўрсатиладиган телефон алоқаси хизматларига қонунчилик асосида белгилаб бериладиган Ўзбекистон Республикасида амалдаги тарифлар бўйича ҳам тўланади.

3.15. Телекоммуникация хизматлари учун тўловлар, нақд пулсиз бюджет ташкилотининг ҳаражатлар сметасида кузда тутилган маблаглар доирасида чикмаган холда мазкур шартноманинг 1.2. бандидаги бюджет ҳисобидан туланидиган каторида курсатилган сумма асосида ҳар чоракининг учдан бир кисми доирасида ойма –ой түловни амалга оширади.

#### **4. ХИЗМАТЛАРГА ҲАҚ ТЎЛАШ**

4.1. Абонент смета ҳаражати маблаглари доирасида шартноманинг 1.2 бандига биноан ҳар ойнинг 15-санасигача жорий ой учун олдиндан 100% тulos топширикномасига асосан хизмат ҳаккini тулайди, сметада ажратилган маблаглардан ортиқча курсатилган хизмат учун бюджет ташкилоти узининг маҳсус ҳисоб-ракамидан туланиши уз зимасига олади.

4.2. Маҳаллий, шахарлараро ва ҳалкаро телефон алоқаси учун тўловлар:

- олдиндан тўлов (бунак) йўли билан амалга оширилади.

4.3. Олдиндан бунак тарикасидаги тўловлар камида 1 ой олдин, лекин 12 ойдан кўп бўлмаган муддат учун амалга оширилиши мумкин.

4.4. Телефон алоқаси хизматлари учун олдиндан тўланган бунак суммаси операторнинг биллинг тизими томонидан куйидаги кетма-кетлиқда тақсимланиб тўланади:

- абонентлик тўлови ва кўшимча хизмат турлари;
- ҳисоблагичлар;
- шахарлараро ва ҳалкаро сўзлашувлар.

Ушбу бандда кўрсатилган хизматларга тарифлар ошган тақдирда, улар бўйича ҳисоб-китоблар бунак суммаси тугагунга

қадар амалда бўлган аввалги тарифлар бўйича амалга оширилади. (Агар бу хизматлар бўйича тўловлар универсал хизматларга тарифларнинг ўзгариши тўғрисида эълон берилшинидан олдин амалга оширилган бўлса).

4.5. Маҳаллий сўзлашувлар (вактбай асосида тўлов тизими жорий этилганида), шахарлараро ва ҳалкаро телефон алоқасидан фойдаланганлиги учун тўлов хисоб варагига асосан (ахборот узатиш ва телематик хизматлардан фойдаланилганлиги учун тўловлар ҳам шунга киради), хисоб варагига кўрсатилган санадан бошлиб З банк куни ичida амалга оширилади.

4.5.1. Ҳисоб-китоб килинган ойдан кейинги ойнинг 10-санасигача абонент «Оператор»нинг абонентлар бўлимига кўрсатилган телекоммуникация хизматлари учун ҳисоб-варак фактурасини олиш учун келиши керак, кўрсатилган муддатда келмаган тақдирда телефон ўрнатилган тартибда ўчириб қўйилади.

4.5.2. Абонент ҳоҳишига кўра оператор шахарлараро ва ҳалкаро сўзлашувлар бўйича маълумот (расшифровка)ни электрон вариант(файл холати)да бериши мумкин.

4.5.3. Абонент шаҳарлараро ва ҳалқаро сўзлашувлар бўйича маълумотни тақоририй сўраган ҳолларда ундан қўшимча равиша 300 сўм, агар электрон варианти(файл ҳолати)да бўлса 100 сўм (хар бир компьютер вараги учун) олинади. Мазкур тўловлар алоқа хизматлари тарифлари ўзгарганида қайта кўриб чиқилади.

4.6. Белгиланган муддатда алоқа хизматлари тўловлари тўламаса, телефон ўчириб қўйилади, бунда оператор шартномани бекор килиш ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конуциларига мувофик карзларини ундириб олиш ҳукукига эга.

Агар Абонент хисоб-китоб давридан кейинги 2 ой давомидаги телекоммуникация хизматлари учун, шу жумладан, телефон ўчириб қўйилган вакт учун карзларини тўламаса, Оператор «Абонент» билан келишилган ҳолда шартномани бекор килиш ва карзларни ўрнатилган тартибда ундириб олиш ҳукукига эга. Қайтадан телефон ёки бошқа охирги курилмани ўрнатиш ариза берилиб тегишли тўловлар амалга оширилгач амалга оширилади.

4.7. Агар абонент тўланиши лозим бўлган пул миқдорига, сўзлашув вакти ва бу сўзлашув унинг телефонига тегишли эканлигига норози бўлса, у хисоб варагини олгандан сўнг 30 кун давомидаги радия ёзиши мумкин. 30 кундан сўнг эътирозлар кабул килинмайди. Текширув натижалари Абонентни каноатлантиринаса судга мурожаат килиши мумкин

4.8. Ушбу шартноманинг 4.8-банди бўйича текширув ўтказилаётганда телефон шаҳарлараро ва ҳалқаро сўзлашувларга чиқиши коди(8)сиз ишлатиб қўйилади.

4.9. Хар ойнинг 1-чи куни ҳолатида дебитор карздорлик мавжуд бўлса, «Оператор» қарздорлик суммасининг 0,1% миқдорида тўловнинг ҳар бир кечикирилган куни учун, бу карздорлик тўлиқ ундириб олинингучча қадар пеня хисоблайди.

4.10. Абонентнинг айби билан телефон ёки бошқа охирги курилма ишламаган пайтда улардан фойдаланиш бўйича абонент тўловлари тўлиқ миқдорда ундириб олинади.

4.11. Ҳалқаро ва шаҳарлараро автоматик телефон алоқасидан фойдаланишганда, тўланиши лозим бўлган сўзлашув вакти сўзлашув бошланган вактдан хисобга олинади. Телефонига уланган бирор бир техник ускуна (факс, автоматик жавоб берувчи, рақамни аникловчи ва ҳоказолар) билан сўзлашув амалга оширилганда тўланиши лозим бўлган сўзлашув вакти ана шу ускуналар ишга тушган пайтдан бошлаб хисобга олинади.

## 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1 Низоларни ҳал этиш чогида томонлар ўзаро келишувга биноан иш тутадилар.

5.2 Томонлар ўзаро келиша олмаган ҳолларда, низолар Хўжалик судидаги ҳал этилаади.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Ушбу шартнома шартларини томонлар бажармаган тақдирда уларнинг масъулити Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик Кодекси», «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-ҳукукий базаси тўғрисида»ги, «Телекоммуникациялар тўғриси»ги конунлари, «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларида телефон алоқаси хизматларини кўреатиш қондлари» ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа бир катор амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофик томонларнинг жавобгарларидан кўриб чиқилади.

7.2. Форс-мажор ҳолатларига таяниб иш кўрувчи томон ваколатли давлат организашининг тасдиqlанган тегишли ҳужжатини тақдим этиши керак.

## 8. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

8.1. Шартномага ўзгартариш ва қўшимчалар киритиши томонларнинг розилингига кўра қўшимча Битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартариши ва қўшимчалар киритиши ҳакидаги Битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.

Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартирнишлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албаттага инобатга олинини зарур.

8.2. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, «Қондалар»да ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирниши мумкин.

## 9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Ушбу шартнома 10-январь 2022-йилдан кучга киради ва 2022-йил 31-декабрдагача амалда бўлади.

9.2. Шартнома муддатидан олдин куйидаги ҳолларда, бекор килиниши мумкин:

томуонларнинг келишувига мувофик;

томуонлардан бири шартнома шартларини бажармаган тақдирда;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда.

9.3. Мазкур шартнома уч нусхада тузилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

**«Ижроти» «Буюртмачи»**

«Узбектелеком» АК Қашқадарё филиали  
Карши шахар Бешкент йули 3-км  
Тел/факс 652-15-55  
Х/р: 20210000504074838334  
Банк номи: Алоқа банк Карши ш  
МФО:00401 ИИНН: 203366731  
ОКОНХ :

Бошлиқ:



Н.И.Муртозоев

Миришкор туман ирригация бўлими  
Янги Миринкор  
Тел: 55 401 87 26  
Ш/хр: 100022860102337042402170001  
Банк номи: Ташкент МБ  
МФО: 00014 ИИНН: 207264334  
ОКОНХ: 70220

Молия вазирлиги газначилиги  
Рашид х/в: 23402000300100001010  
Винчанинг номи: Тошкент шахар ХКМ  
МФО: 00014  
Газначидик бўлимиши СТИРи 201122919  
Рашибар:  А.Турсунов.

«Узбектелеком» АК Қашқадарё филиали ҳамда Қашқадарё вилоят божхона бошкармаси ташкилоти уртасида  
жами: \_\_\_\_\_ суммасида тузилган алоқа хизмати курсатиш  
буйича 2013 йил «\_\_\_\_\_» даги тузилган шартнома Узбекистон Республикаси «Хужалик  
юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугриси» даги Конун ва Фуқаролик кодекси  
талаблари асосида тузилган.

- Шартнома талаблари Узбекистон Республикасининг амалдаги конунларига жавоб беради.
- Шартнома мажбуриятлари бузиш холатлари буйича жавобгарлик ва низоларни ҳал этини чораларни амалдаги  
конун хужжатлари талабларига жавоб беради.

Қашқадарё  
хукукшунос: \_\_\_\_\_

филиали

## **YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

1.Loyihaning turi: Shartnoma

2.Loyihaning nomi:

O'zbekiston Respublikasi Prezidentning 29.08.1998-yildagi “Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida”gi 670-I-sonli Qonuni hamda 22.04.2021-yildagi “Davlat xaridlari to'g'risida”gi 684-sonli Qonuni va 27.09.2018-yildagi “O'zbekiston Respublikasining davlat xaridlari to'g'risidagi Qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi PQ-3953-sonli Qarorlariga asosan;

Mirishkor tuman irrigatsiya bo'limi hamda ikkinchi tomondan “O'zbektelekom” AK Qashqadaryo filiali Mirishkor TKB o'rtaida, I-chorak uchun umumiy summasi 300.000 so'm bo'lgan 13-sonli shartnoma to'g'risida

3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot;

Mirishkor tuman irrigatsiya bo'limi 2022-yil 10-yanvar.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Markaz bosh yuriskonsulti:**  
2022-yil 10-yanvar



**Z.S.Tursunov**